



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK  
VA JAMOAT SALOMATLIGI XIZMATINING

**BUYRUG`I**

2021 yil. " 3 " 02

№ 14

Toshkent sh.

**“Харид комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш ҳақида”**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Харид комиссияси фаолиятини ташкил этиш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (кейинги ўринларда – Санитария-эпидемиология хизмати деб аталади) товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олишда молиявий маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида Санитария-эпидемиология хизматининг Харид комиссияси ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар:

Санитария-эпидемиология хизматининг Харид комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ;

Харид комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш ва комиссия томонидан энг яхши таклифларни танлаш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Харид комиссияси уч кун муддатда “Санитария-эпидемиология хизматининг харид комиссияси фаолиятини юритиш тўғрисидаги йўриқнома”ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

4. Харид комиссияси товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олишда, очиқлик ва шаффофлик принципига амал қилган ҳолда молиявий маблағлардан тежамкор, самарали ва оқилона фойдаланиш, шу жумладан мутаносиблик ва коррупцияга йўл қўймаслик тамойилларига риоя этилишини йўлга қўйсин.

Мазкур буйруқ ижроси юзасидан назорат биринчи ўринбосар Х.Н.Норбоев зиммасига юклансин.

Бошлик

Б. Юсупалиев

**КИРИТИЛДИ:**

Кадрлар бўлими бошлиғи



С.Ф. Ақтамов

**КЕЛИШИЛДИ:**

Бошликнинг биринчи ўринбосари



Х.Н. Норбоев

Бошлик ўринбосари



Қ.И. Ҳайитов

Бош ҳисобчи в.б.



Ж.Э. Эшонкулов

Молия-иқтисод бўлими бошлиғи



С.М. Хуррамов

Юридик бўлим бошлиғи



С.Х. Меликулов

Буйруқ билан танишдим \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг  
2021 йил "3" 02 / 17 -сон буйруғига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Харид комиссияси таркиби**

- 1. Норбоев Холмамат Нуралиевич – Бошлиқнинг биринчи ўринбосари, **комиссия раиси**
- 2. Ҳайитов Қобулжон Исоқулович – Бошлиқнинг ўринбосари, **комиссия раиси ўринбосари**
- 3. Мухаммедов Собир Шокирович – Давлат хизматларини кўрсатиш бошқармаси бошлиғи, **аъзо**
- 4. Хуррамов Суннат Мажидович – Иқтисод ва молия бўлими мудири, **аъзо**
- 5. Тўйчиев Мансур Маликович – Миллий референс лаборатория комплексининг ҳисобчиси, **аъзо**
- 6. Тошматов Жасур Абдувахобович – Маркетинг ва логистика бўлими мудири, **аъзо**
- 7. Шамсуддинова Мавлуда Амануллаевна – Миллий референс лаборатория комплексининг Санитария-гигиена лабораторияси мудири, **аъзо**
- 8. Заитов Искандер Равилевич – Миллий референс лаборатория комплексининг бошлиғи, **аъзо**
- 9. Хайдарова Рискинисо Шухрат қизи – **Комиссия котиби**